

ЧОШГОҲ НАМОЗИ

05:00 / 04.01.2017 10175

Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят: «У чошгоҳ намози ўқиётган қавмни кўриб қолиб: «Булар намоз ушбу соатдан бошқасида афзал эканини билмасмикинлар?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, аввабийнларнинг намози теваларнинг оёғи куйганда бўлади, деганлар», деди». Муслим ва Аҳмад ривоят қилган.

Шарҳ: Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳу бу гапни Қубо аҳлининг қуёш чиққан пайтида чошгоҳ намозини ўқиётганларини кўриб қолиб айтганлар. Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳунинг фикрларича чошгоҳ намози ўқимоқчи бўлган одам ушбу ҳадисда васф қилинган пайтда ўқигани афзал. Бу пайтда қуёш ерни қиздириб кичик бўталоқ теваларнинг оёғини куйдирадиган даражага етиб қолади.

«Аввабийн» дегани кўп тавба қилувчилар, дегани. Демак, чошгоҳ намози, аввабийнлар намози ҳам деб аталар экан. Ушбу намоз ҳақидаги барча далилларни яхшилаб ўрганган фуқаҳоларимиз чошгоҳ намозининг вақти, эрталаб нафл намоз ўқиш ҳалол бўлган вақтдан бошлаб, то заволгача, деганлар.

Жумҳури уламоларимиз, жумладан, тўрт мазҳаб соҳиблари ҳам, чошгоҳ намози суннатдир, деганлар.

Демак, бизлар ҳам ҳаётимизда бу суннатни татбиқ қилмоғимиз керак. Чошгоҳ намози ўқиб юрмоғимиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилганимиз бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Менга халилим соллаллоҳу алайҳи васаллам уч нарсани васият қилганлар; Ҳар ойда уч кун рўза тутмоқни, икки ракъат чошгоҳ намозини ва ухлашимдан олдин Витр ўқимоғимни», дедилар». Бешовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу фахр билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни халилим, холис синалган дўстим, деб атамоқдалар. Ушбу ҳадиси шарифда уч нарсага тарғиб қилинмоқда:

1. «Ҳар ойда уч кун нафл рўза тутмоқ».

Бу масала «рўза» китобида батафсил келади. Ўшанда, Аллоҳ хоҳласа, ҳар ойда уч кун нафл рўза тутмоқ йил бўйи рўза тутишга тенг эканини ҳам ўрганамиз. Ҳозир эса ушбу набавий васиятга амал қилмай юрган, ҳар ойда уч кун нафл рўза тутишни бошлашимиз керак.

2. «Икки ракъат чошгоҳ намози».

Бу намоз аввабийлар намози эканини олдинги ҳадисда айтилди. Бу ҳадисда эса чошгоҳ намозини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий васиятлари сифатида васф қилинмоқда. Келаси ҳадиси шарифларда яна бир қанча васфлари келади иншааллоҳ. Биз эса, бу набавий васиятга ҳам амал қилишга ўтиб, авваллари бу намозни ўқимай юрган бўлсак, ушбу ҳадисни ўрганганимиздан кейин ўқишга ўтишимиз лозим.

3. «Ухлашдан олдин Витр намози ўқиш».

Ҳа, мусулмон инсон кечаси таҳажжуд намозига туришга ишончи йўқ, ухлаб қолишдан қўрққан бўлса, ухлашдан бевосита олдин Витр намоз ўқиб ётиши керак. Биз бу набавий васиятга ҳам ҳаётимиз бўйича амал қилишимиз зарур.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чошгоҳ намозини тўрт ракъат ўқир эдилар ва Аллоҳ хоҳлаганича зиёда қилар эдилар». Муслим, Насай ва Аҳмад ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ривоятда Пайғамбаримиз тўрт ракъат ва ундан ва ундан кўп чошгоҳ намоз ўқиганлари айтилмоқда.

Умму Хониъ бинти Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ куни чошгоҳ намозини саккиз ракъат ўқидилар. Ҳар икки ракъатда салом берардилар».

Бошқа бир ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у(Умму Хониъ)нинг уйига Макка фатҳи куни кириб, ғусл қилиб саккиз ракъат намоз ўқидилар». Тўртовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

1. Сафарда ҳам чошгоҳ намози ўқиганлари.
2. Бировнинг уйида ғусл қилиб, намоз ўқиганлари.
3. Чошгоҳ намозини гоҳида саккиз ракъат ўқиганлари келиб чиқади.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сабоҳда сизнинг ҳар бирингиздан ҳар бўғинига садақа лозим бўлади. Бас, ҳар бир тасбиҳ садақадир, ҳар бир таҳмид садақадир, ҳар бир таҳлийл, (лаа илаҳа иллаллоҳ) садақадир ва ҳар бир такбир садақадир. Амри маъруф садақадир. Наҳйи мункар садақадир. ўшаларнинг ўрнига чошгоҳ да икки ракъат намоз ўқиш кифоя қиладир», дедилар». Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилган.

Абу Довуд ва Аҳмаднинг лафзида: «Сабоҳда сизнинг ҳар бирингиздан ҳар бўғинига садақа лозим бўлади. Учраган одамга салом бериш садақадир. Амри маъруф қилиши садақадир. Наҳйи мункар қилиши садақадир. Йўлдан озор берувчи нарсани олиб ташлаши садақадир. Аҳлига жинсий алоқа қилиши садақадир. ўшалар ўрнига чошгоҳ даги икки ракъат намоз кифоя қилур», дедилар».

Шарҳ: Уйқудан эсон омон туриб, уч юз олтмиш бўғини ишга тушиб кетиши ҳар бир инсон учун катта бахт, улуғ неъмат. Мўмин мусулмон инсон ҳар бир неъмат учун Аллоҳ таолога муносиб шукр қилиши керак. Жумладан, уйқудан соғ-саломат туриб, уч юз олтмиш бўғини ишга тушиб кетиши жуда катта неъматдир. Бу неъмат учун шукр қилиш керак. Шукр қилганда ҳам ҳар бир бўғин ҳисобига бир садақа қилиши керак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Сабоҳда сизнинг ҳар бирингиздан ҳар бўғинига садақа лозим бўлади» деганлари шуни англатади.

Садақа, деганда эса пул-мол сарфлашни тушунмаслик керак. Мўмин банда томонидан қилинган ҳар бир яхшилик амал, шариатга мувофиқ амал садақадир.

1. Бир марта, Субҳаналлоҳ, деб тасбиҳ айтиш ҳам садақа. Шу билан бир бўғин учун қилиниши зарур бўлган шукр адо этилади.
2. Бир марта, Алҳамдулиллоҳ, дейишлик ҳам садақа. Шу билан бир бўғин учун қилиниши зарур бўлган шукр адо этилади.
3. Бир марта, лаа илаҳа иллаллоҳ, дейишлик ҳам садақа. Шу билан бир бўғин учун қилиниши лозим бўлган шукр-садақа адо этилган бўлади.
4. Бир марта, Аллоҳу Акбар, дейишлик ҳам садақа. Шу билан бир бўғин учун қилиниши лозим бўлган шукр садақа адо этилади.
5. Амри маъруф қилишлик ҳам садақа.
6. Наҳйи мункар қилишлик ҳам садақа.
7. Йўлда кўринган одамга салом беришлик ҳам садақа.
8. Йўлдаги кўпчиликка озор берадиган нарсани олиб ташлашлик ҳам садақа.
9. Иффат ва солиҳ фарзанд талабида жуфти ҳалоли ила жинсий яқинлик қилиш ҳам садақа.

Шу ва шунга ўхшаш солиҳ амалларни қилиб мусулмон одам ҳар бир бўғини учун кунда қилиши керак бўлган садақаларни адо этади.

Бу маънода айниқса чошгоҳ намози жуда ҳам қулай бўлади. Икки ракъат чошгоҳ намози ўқиган одам уч юз олтмиш бўғин учун қилиши лозим бўлган садақани адо этган бўлади. Чунки, намоз пайтида инсоннинг барча бўғинлар ишга тушади.

Бу ҳадисда чошгоҳ намози ниҳоятда фазилатли экани баён қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу намозни доимий суратда ўқиб юришга одатланишимиз лозим.

Нуъайм ибн Ҳаммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ азза ва жалла, Эй, Одам боласи, наҳорнинг аввалидаги тўрт ракъатла мени унутма, сен учун у(наҳор)нинг охирини кифоясини қилурман, дейди», деганларини эшитдим». Абу Довуд,

Аҳмад ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида: «Одам боласи! Наҳорнинг аввалида Менга тўрт ракъат рукуъ қил, Мен сенга охирини кифоясини қилурман», дейилган.

Шарҳ: Аввало, ушбу ривоятнинг ровийси Нуъайм ибн Ҳаммор розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Нуъайм ибн Ҳаммор Атафоний аш-Шомий, ҳадисларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ва Уқба ибн Омир ал-Жуханийдан ривоят қилдилар. Бу зотдан Абу Идрис Хувлоний, Қайс ал-Жузомий, Кусайр ибн Мурра ал-Ҳазрабий, Қатодалар ривоят қилишди. Бу киши ривоят қилган ҳадислардан учта саҳиҳ соҳиблари ўз китобларига киритилган.

Ушбу ҳадисдаги зикр қилинаётган намоздан, чошгоҳ намози ирода қилинмоқда. Демак, ким эрталабдан тўрт ракъат чошгоҳ намози ўқиб олса, кун давомида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоятида бўлар экан.

Биз ҳам кун бўйи Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоятида бўлмоқни истасак доимо чошгоҳ намоз ўқишга одатланайлик.

Муоз ибн анас ал-Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Бомдод намозини ўқиб бўлганидан кейин намоз ўқиган жойида то, чошгоҳ намозини ўқигунча ўтирса. Фақат яхшиликдан бошқани гапирмаган бўлса, унинг хатолари, агар денгиз кўпигидан кўп бўлса ҳам мағфират қилинур», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида: «Ким Бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра қуёш чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, кейин икки ракъат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда васф қилинаётган намозни Салотуш Шуруқ – Шуруқ намози ҳам дейилади. Шуруқ, дегани эса қуёш чиқишини билдиради. Саҳар чоғи ниҳоятда фазилатли чоғ экани ҳақида олдинги ўрганган ҳадисларимиздан ҳам кўплаб маълумотлар олганмиз.

Бу ҳадиси шарифда ҳам Бомдод намози билан қуёш чиққунча бўлган вақтни Аллоҳнинг зикри билан ўтказишга тарғиб қилинмоқда. Шу билан бирга шуруқ намози ўқишга ҳам қизиқтирилмоқда. Аввал айтилганидек,

шуруқ намози чошгоҳ намозининг энг аввалги вақтдаги намозидир. Ҳадисда Бомдод намозини жамоат билан ўқишга тарғиб борлиги ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ушбу ҳадисга амал қилишимиз жуда ҳам зарур. Саҳар чоғи Аллоҳнинг ибодати, зикри билан машғул бўлиш ўта фазилатли ишдир.

Ўтган салафи солиҳлар бу ишга алоҳида эҳтимом берганлар. Бир гуруҳ ҳожиларнинг йўлини арслонлар тўсиб қолибди. Мазкур йўли тўсилган ҳожилар ичида буюк тобеъийнлардан Товус розияллоҳу анҳу ҳам бор эканлар. Қарама-қаршилиқ уч кун давом этибди. Уч кунгача арслонлардан қўрқиб бирор киши мижжа қоқа олмабди. Кейин арслонлар кетишибди. Саҳар чоғи экан. Ҳамма Бомдодни ўқиб ўзини уйқуга урибди.

Ухлашни хаёлига ҳам келтирмаётган Товус розияллоҳу анҳуга, уч кун мижжа қоқмадингиз, бироз ухлаб олсангиз яхши бўлар эди, дейишибди. Шунда у киши, бу пайтда ухлаб бўлмаса керагов, деб, зикрни давом эттирган эканлар.

Бизнинг давримиз аҳли солиҳлари сийратида ҳам шу одат мулоҳаза қилинади. Бу пайтда ер юзида навбатчилик қиладиган фаришталар алмашаётган бўладилар. Бу вақтда ухлаш, ғофил бўлиш ва бошқа бефойда ишлар билан машғул бўлиш мўмин одамга тўғри келмайди. Саҳарда ибодат қилганларнинг ризқи улуғ, ухлаганларнинг ризқи тор бўлади.

Ҳозирги тараққий этган илм ҳам саҳар вақтининг фазилатли эканини тасдиқламоқда. Саҳар чоғида ультра бинафша нурлар тарқалган вақт бўлар экан. Ўша нурлар инсон учун жуда ҳам фойдали экан.

Хўш, ўша нурлардан энг кўп фойда оладиган шахс Бомдодни жамоат билан ўқиб қуёш чиққунча Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлиб, кейин икки рақъат намоз ўқиган шахс бўлмаса ким бўлар эди?

Ҳа, бу ҳадисга доимий равишда амал қилишга одатланишимиз лозим.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўз уйидан таҳорат қилган ҳолида фарз намозга чиқса, унинг ажри эҳром кийган ҳожининг ажрича бўлур. Ким чошгоҳ намозига чиқса, фақат унинг учунгина чиқса, унинг ажри умра қилувчининг ажрича бўлур. Бир намоз билан иккинчи намоз орасида

беҳуда нарса бўлмаса иллийин китобидадир», дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аввал ўрганган нарсаларимиз билан бир қаторда чошгоҳ намозининг савоби бир умранинг савобига тенг келиши баён қилинмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, бир намоз билан иккинчи намоз орасидан беҳуда нарса бўлмаса иллийин китобидадир, деганлари, ўша амалнинг савоби иллийин китобига ёзилади, деганларидир. Иллийин китоби эса, олий мақом китоб бўлиб, унга муқарраб фаришталар шоҳид бўлулар.

Демак, икки фарз намози орасида ёки бир фарз, бир суннат намози орасида беҳуда сабаб бўлади. Бундоқ ҳолнинг энг афзал кўринишларидан бири Бомдод намози билан шуруқ намози орасини зикр билан ўтказишдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким чошгоҳ намозини муҳофаза (бардавом) қилса, унинг гуноҳлари, агар денгиз кўпигича бўлса ҳам мағфират қилинади», дедилар». Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадисда чошгоҳ намозини доимий равишда ўқиб юришга тарғиб қилинмоқда. Албатта, умумий қоидага биноан бу ердаги гуноҳлардан мурод банда билан Аллоҳ орасидаги кичик гуноҳлардир. Кабира гуноҳлар ва банда билан банда орасидаги ҳақлар бу билан мағфират қилинмаслиги маълум ва машҳур.

ХУЛОСА

ўрганган ҳадисларимиздан чошгоҳ намози ўқиш жуда ҳам савобли амал экани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бу намоз кўплаб ажру-савоб, хайру-барака ва файзу-футуҳга сабаб бўлиши таъкидланмоқда. Бу намознинг вақти қуёш чиқиб бўлгандан заволгача давом этиб, энг афзал вақти қуёш ерни қиздирган вақти экан. Биз ўрганган ривоятларда чошгоҳ намози икки рақъатдан саккиз рақъатгача бўлиши зикр қилинди. Бошқа ривоятларда ўн олти рақъатгача зикр қилинган.

Демак, ҳолатга ва имкониятга қараб ушбу икки рақам орасидаги ададда чошгоҳ намоз ўқиса бўлаверади. Вақти оз одам икки рақъат ўқиса ҳам чошгоҳ намози ўқиган бўлади. Имкони кенг одам кўпроқ ўқиса яна ҳам яхши. Энг муҳими ўқиш керак.